


Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тұғрисида



Ўзбекистон республикаси президентининг Фармони

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилған чора-тадбирлар күламини кенгайтириш, коронавирус пандемияси даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эхтиёжманд оиласаларни моддий құллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори **1,1 баробарга оширилсін.**

2. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

мехнатга ҳақ түлашнинг энг кам миқдори – **оийга 822 000 сўм;**

базавий ҳисоблаш миқдори – **оийга 270 000 сўм;**

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – **оийга 289 000 сўм;**

ёшга доир энг кам пенсиялар – **оийга 565 000 сўм;**

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – **оийга 622 000 сўм;**

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва мехнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – **оийга 440 000 сўм;**

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – **оийга 440 000 сўм;**

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 623 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори – **оийга 623 000 сўм**

;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда

- **оийга 2 750 000 сўм** этиб белгилансин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оловчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятызиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори - **оийга 440 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятызиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансан;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси оловчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятызиз оила аъзоси учун нафақа миқдори - **оийга**

440 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятызиз оила аъзоси учун **165 000 сўмдан** қўшилиши белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар **Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансан**.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсан.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг **мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсан**.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2021 йил 1 сентябрдан иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири **Т.А. Ишметов** белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари **Д.А. Кучкаров** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **2021 йил 1 ноябрга** қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

17 август